Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 14-iyun, shanba № 73 (3422)

Ҳамкорликнинг биринчи ва энг муҳим шарти — бу ўзаро ишончдир.

Ислом КАРИМОВ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 13 июн куни Оқсаройда Америка Қўшма Штатлари Президентининг махсус ёрдамчиси, АҚШ миллий хавфсизлик кенгашининг Россия ва Евроосиё бўйича катта директори Селест Анна Уолландерни қабул қилди.

Мулоқот чоғида турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорликнинг долзарб масалалари, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик айрим муаммолар атрофлича муҳокама қилинди.

Ўзбекистон 1993 йил 28 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясида илгари сурган Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисидаги шартноманинг Хавфсизлик кафолатлари тўғрисидаги протоколи ядро қуролига эга беш давлат, жумладан, АҚШ томонидан имзоланди. Бу Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг амалга оширилишига улкан ҳисса бўлиб қўшилди. Мазкур Протоколни ратификация қилиш жараёнининг якунига етказилиши глобал миқёсда қуролсизланиш ва қуролларни тарқатмаслик ҳамда минтақавий ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш механизмларини шакллантиришнинг муҳим омили бўлади.

Суҳбат чоғида Афғонистондаги вазият, унинг минтақадаги жараёнларга таъсири, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ЎзА

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан 2014 йил 16-18 июн кунлари Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэ илк давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Олий даражадаги учрашув ва музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги кўпқиррали ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ҳамда уни янада кенгайтиришнинг узоқ истиқболга мўлжалланган устувор йўналишлари, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинади.

Ташриф якунлари бўйича давлат раҳбарлари томонидан Стратегик шерикликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш ҳақидаги қўшма декларация қабул қилиниши, турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўладиган қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

Қўшма корхоналар

Мамлакатимизда жаҳон бозорида харидоргир ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самаралар бермоқда. Мавжуд корхоналар техник ва технологик модернизация қилиниб, соҳага хорижий инвестициялар кенг жалб этилаётгани бу борада муҳим аҳамият касб этаётир.

ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР ЎЗИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида саноат, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 2 декабрда қабул қилинган «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони муҳим дастуруламал бўлаётир.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ, вилоятда ташкил этилган эркин индустриал-иқтисодий зонада замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун хорижий инвестициялар жалб этилиб, жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Бу ерда Жанубий Корея, Ҳиндистон, Хитой, Сингапур каби давлатлар иштирокидаги қўшма корхоналар фаолият юритмоқда. Ҳудуддаги ишлаб чиқариш объектлари томонидан автомобиллар учун газ баллонлари, эҳтиёт ва бутловчи қисмлар, юқори кучланишга чидамли электр кабеллари, полиэтилен ва полипропилен қувурлар ҳамда аҳоли саломатлиги учун зарур бўлган гигиеник воситалар тайёрланаётир.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида Ўзбекистон-Жанубий Корея ҳамкорлигида тузилган «UzEraeCable», «UzAlternator», «KoUNG cylinder», «Navoiy beauty cosmetics» заводлари муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Ушбу қўшма корхоналар томонидан автомобиллар учун турли кабел ва симлар, генератор ва бошқа эҳтиёт қисмлар, газ баллонлари, шунингдек, косметика маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётир. Навоий халқаро аэропорти ҳудудида ташкил этилган халқаро интермодал логистика маркази орқали «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ва «Korean Air» ҳамкорлигида жаҳоннинг турли давлатларига юк ташиш амалга оширилмоқда.

Ҳудудда фаолият кўрсатаётган «UzEraeCable» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси 2009 йилда ташкил этилган бўлиб, автомобиллар учун 39 турдаги кабел ва симлар ишлаб чиқаради.

— Асосан «GM-Uzbekistan», «SamAuto», «UzKoje» қўшма корхоналари учун маҳсулот тайёрламоқдамиз, — дейди корхона директори Шерзод Умаров. — Йилига турли ўлчамдаги 130 минг километрлик кабел ишлаб чиқариш қувватига эга корхонамизда жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида 47 минг километр шундай маҳсулот ишлаб чиқарилди. Маҳаллийлаштириш дастурига асосан «Chevrolet Cobalt» автомобили учун аккумулятор жгутлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Натижада хориждан импорт қилинадиган мазкур эҳтиёт қисм шу ернинг ўзида тайёрланмоқда. Ишлаб чиқаришда банд бўлган юз нафар ишчи-ходимнинг асосий қисми ёшлардир.

Корхонада самарали меҳнат қилиш учун барча шароит яратилган.

— Бу ерда биз, ёшларга яратилган шароитлардан мамнунмиз, — дейди корхона йиғиш линияси ишчиси Муҳаммадали Турдиев. — Навоий информатика ва электрон саноат касб-ҳунар коллежини битирганман. Ишчилар учун иссиқ овқат, махсус транспорт воситаси ташкил этилган.

Нуриддин РАҲИМОВ,
ЎзА мухбири.
ЎзА фотомухбири
Сирож АСЛОНОВ
олган сурат

Кўрик-танлов

Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши, Савдо-саноат палатасининг шаҳар ҳудудий бошқармаси, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ва халқ таълими бош бошқармаси қўшма қарорига асосан «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловининг дастлабки ҳамда туман босқичлари ўтказилди.

Рағбат

истеъдодли ёшларни қанотлантиради

— Жорий йилнинг апрел-май ойларида жами 209 та муассасада «Энг фаол ёш ўқитувчи» ҳамда «Энг фаол ёш тарбиячи» танловлари ўтказилди, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент шаҳридаги масъул ташкилотчиси Абдухалил Раҳмонов.

Муқимий номли Ўзбек давлат мусиқали театрида мазкур кўрик-танловнинг Тошкент шаҳар босқичи ғолибларини тақдирлашга бағишланган тантанали тадбир ўтказилди. Уни шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Нуршод Ғиёсов кириш сўзи билан очиб, ғолибларни қизғин табриклади.

«Энг фаол ёш шифокор» номинацияси бўйича ғолиблик шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси врач офталмологи Акмал Маткаримовга насиб этди. Тошкент педагогика коллежи ўқитувчиси Муҳиддин Бозоров «Энг фаол ёш ўқитувчи», Юнусобод туманидаги 560-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Нилуфар Азизова «Энг фаол ёш тарбиячи», «Довон» масъулияти чекланган жамият раҳбари Нуриддин Абдуллаев «Энг фаол ёш тадбиркор», ёғоч ўймакор устаси Абдулазиз Зияев «Энг фаол ёш ҳунарманд» деб топилди.

«Сувсоз» давлат унитар корхонасидан Жамшид Зокиров «Энг фаол ёш коммунал соҳа мутахассиси», «Юникон. Ўз» давлат унитар корхонаси муҳандиси Азиз Отаниёзов «Энг фаол ёш алоқачи», Тошкент ахборот технологиялари университетидан Саида Бекназарова «Энг фаол ёш дастурчи», «Тошкент иссиқлик электр маркази газ-турбина цехи бошлиғи ўринбосари Рустам Шамсиев «Энг фаол ёш энергетик», Ўзбекистон Фанлар академияси «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси»дан Ойбек Абдулҳаев «Энг фаол ёш олим», «12-трест» очиқ акциядорлик жамиятидан Азизжон Мирносиров «Энг фаол ёш қурувчи» номинациялари бўйича 1-ўринни эгаллашди.

(Давоми 2-саҳифада).

Пойтахтимизда «Энг фаол ёш темирйўлчи» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан уюштирилган танловда қуйи босқичларда ғолиб бўлган 6 нафар ёш мутахассиснинг билими синовдан ўтказилди.

Энг фаол темирйўлчи

— 2007 йили Тошкент темир йўллар муҳандислик институтини тамомлаб, йўлланма асосида ишга юборилдим, — дейди танлов иштирокчиси Бухоро минтақавий темир йўл узелига қарашли Бухоро алоқа ва ишоратлар масофаси муҳандиси Умиджон Ғаффоров. — Танловда инновацион ғояларим, янги технологияларни ўзлаштириш бўйича дастурларим билан иштирок этяпман. Айни пайтда соҳага тааллуқли кўплаб дастурлар амалга оширилмоқда. Биргина Маркон-Бухоро йўналишини электрлаштириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг экологияга зарарли таъсирини камайтириш, иқтисодий тежамкорлик, юк ташиш ҳажмини 25-30 фоизга ошириш имкониятини беради. Бундан ташқари, янгитдан қурилиши режалаштирилаётган Бухоро-Мискент йўналиши аҳолига қулайлик яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Танловда темир йўл соҳасида узоқ йиллар меҳнат қилган фахрийлар, Тошкент темир йўллар муҳандислик институти профессор-ўқитувчилари, халқ депутатлари ҳакамлик қилди.

(Давоми 2-саҳифада).

2014 йил — Соғлом бола йили

Тошкент Марказий темир йўл вокзалида оромгоҳларда дам олиш учун келган қорақалпоғистонлик 570 нафар ўғил-қиз кутиб олинди. Улар пойтахтдаги корхона ва ташкилотларга қарашли сўлим масканларда жойлашган «Транспортчи авлод», «Конструктор», «Согдиана Сойлиқ», «Тонг» болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ҳордиқ чиқаришади.

Унутилмас онлар сурури

— «Ўзбектелеком» акционерлик компанияси Тошкент шаҳар телефон тармоғи филиали тасарруфидаги «Алоқачи» оромгоҳи Бўстонлиқ туманида жойлашган бўлиб, бу йилги мавсумда 5 навбатда болаларни қабул қилади, — дейди филиал касаба уюшма қўмитаси раиси Асқар Абдуллаев. — Биринчи навбатга 427 нафар дам олувчини соғломлаштириш режалаштирилган. Шундан 105 нафари қорақалпоғистонлик соҳа ходимлари фарзандлари бўлса, қолганлари хоразмлик ва пойтахтлик ўғил-қизлардир.

— «Согдиана Сойлиқ»қа биринчи бор келишим, — дейди Амударё туманилик Маҳлиё Ражабова. — Ўтган йили «Бурчмулла» оромгоҳида маза қилиб ҳордиқ чиқаргандим. Бу ерда ҳам кўплаб дўстлар орттириб, бир олам таассурот билан қайтишни кўнглимга тукканман.

— Исмим Сафармурод. Қўнғирот туманиданман, — дея ўзини таништирди болалардан бири. — Икки йил олдин «Транспортчи авлод» оромгоҳида мириқиб ҳордиқ чиқаргандим. Турли маданий-маърифий, спорт тадбирларида қатнашдим. Қизиқарли ўйинлар, шоир-ёзувчилар, спортчилар, санъаткорлар билан учрашувлар ҳали-ҳамон ёдимда. Ўша завқли онлар яна дам олиш учун келишимга сабаб бўлди.

— Дугоналарим билан шеър айтишиб, ўйин-кулгу қилиб қандай етиб келганимизни билмадик. Жаннатмонанд юртимизнинг гўзал ва обод манзараларини шавқ билан кузатиб, йўл чарчоғимиз унутилди, — дейди Фарида Алламберганова.

Эслатиб ўтамиз, жорий мавсумда Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактаблари қошидаги 36 та кундузги ҳамда пойтахт корхона ва ташкилотлари тасарруфидаги 23 та стационар оромгоҳ фаолият кўрсатади. Уларда 42 минг нафардан зиёд ўғил-қиз, жумладан, Оролбўйи меҳнаткашларининг 1700 нафар фарзанди соғломлаштирилади.

Тошкент вилоятида жойлашган пойтахтдаги корхона-ташкилотларга қарашли оромгоҳларда болаларнинг ёшини эътиборга олган ҳолда тарбиявий ишлар мазмунидан келиб чиқиб, интеллектуал ривожланиш, меҳнат ва дам олдириш, ҳарбий-спорт, экологик-биологик, ўлкашунослик, ихтисослашган ва бошқа йўналишлардаги болалар оромгоҳлари фаолият кўрсатади.

Болажонлар ўтирган автобуслар манзил томон йўл олди...

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch» мухбири.
Козим ЎЛМАСОВ олган сурат

Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси

«Муборакнефтгазмонтаж» ОАЖга қарашли «Турбадетал» унитар корхонаси бўсағасида бизни қарши олган жамоа раҳбари ўринбосари Қурбон Турсуновдан касаба уюшма қўмитаси раиси Олимжон Ҳусеновни сўрадик.

Фаолиятга янгича ёндашув

ходимлар манфаатига хизмат қилаяпти

— Олимжонни идорадан топиш қийин. Тиниб-тинчимас у, — жавоб берди Қ.Турсунов. — Гоҳ ишлаб чиқариш цехларимизда, гоҳ қўшни вилоятлардаги чўл ва даштликларда жойлашган объектларимизда — нефт ва газ корхоналарида учратасиз уни. Очиғини айтсам, бугун идорага келолмайди, анча олисда. Эртага эрталаб, албатта, шу ерда бўлиши керак. Чунки ходимларимизнинг 25 нафар фарзандини соғломлаштириш оромгоҳига олиб бориш режалаштирилган.

Дарҳақиқат, эртаси куни касабақўм раиси Олимжон Ҳусенов билан учрашдик. Суҳбат мавзуси, табиийки, 588 нафар аъзога эга касаба уюшма фаолиятига қаратилди. Хулосамиз шу бўлдики, 10 йилдан буён корхона касаба уюшма қўмитасини бошқариб келаётган бу инсон гапни камроқ гапириб, ишни кўпроқ бажарадиганлар тоифасидан экан.

Мазкур корхона жамоаси мамлакатимизда нефт ва газ саноати ривожида муносиб ҳисса қўшиб келаяпти. Жамоа асосан юртимиздаги турдош корхоналар билан ҳамкорликда ишлайди. Чунончи, нефт ва газ конларидан фойдаланишда табиий бойликларимизни қайта ишлаш субъектларидаги ускуна-жиҳозларни таъмирлаш, ўрнатиш ва модернизация қилиш, улар учун бутловчи қисмлар тайёрлаб бериш ҳамда транспорт хизмати кўрсатиш ишларини буюртма асосида амалга оширади. Бу борада мамлакатимиздаги бир қатор хорижий йирик компаниялар билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Юқори малака — сифат кафолати

Корхона базасида кислород ишлаб чиқариш, қувур маҳсулотлари тайёрлаш, пайвандлаш, электр, темирчилик каби 10 га яқин цехлар мавжуд бўлиб, уларда асосан юқори малакали мутахассислар меҳнат қилишади. Уч томонлама шартномага кўра ҳар йили Бухоро ва Когон шаҳарларидаги нефт ва газ, саноат ва транспорт, қишлоқ хўжалиги коллежларидан 15 нафар битирувчи амалиёт ўтайди. Ўқишни битиргач, улар жамоа сафига келиб қўшилади.

«Турбадетал»да турдош корхоналарда камдан-кам учрайдиган талаб ва рағбатлар бор. Масалан, ишга келган коллеж битирувчиси савияси қанчалик юқори бўлмасин, тўғридан-тўғри фаолият бошламайди. У базанинг ўқув цехида тажрибали мутахассислар қўл остида бир неча ой қайта ўқитилади. Нуфузли комиссияга имтиҳон топшириб, синовдан ўтади.

— 2011 йили тенгдошим Садриддин Наимов билан Когон саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежини битириб, шу корхонада фаолиятимни бошладим, — дейди газэлектрпайвандловчи Ҳусниддин Назаров. — Устозларимиз Ризо Худойбердиев ва Наил Залилов касб сирларини мукаммал ўргатишди. Айни пайтда барча жараённи мустақил бажараяпмиз. Амалдаги имтиёзлардан тўлиқ фойдаланаяпмиз. Меҳнат шароитимиз жуда ҳам яхши. Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси томонидан хизматимизга яраша мукофот ҳам бериб турилади. Хуллас, меҳнатимиздан мамнунмиз.

(Давоми 2-саҳифада).

Ishonch
2014-yil 14-iyun № 73 (3422)

Фаолиятга янгича ёндашув

ходимлар манфаатига хизмат қилаяпти

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ҳамжиҳатликда ҳикмат кўп

Корхонанинг кўплаб ишчи-мутахассислари мамлакатимизнинг турли бурчакларидаги нефт ва газ конларида мураккаб операцияларни бажаришади. Кези келганда, қайд этиш лозимки, конлардаги ускуна, жиҳозларни таъмирлаш ва монтаж қилишда 50 тоннадан 200 тоннагача юкни кўтарадиган кранлар ҳайдовчиларининг маҳорати жуда қўл келаяпти. Уларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш, оилаларини қўллаб-қувватлаш, саломатликлари учун қайғуриш каби қатор муҳим жиҳатлар маъмурият ва касаба уюшма томонидан имзоланган жамоа шартномасида ўз ифодасини топган.

— Ходимларга қанчалик эътиборли бўлсак, яшаш ва хавфсиз меҳнат шароитини таъминласак, малакаларини ошириб, рағбатлантириб турсак, жамоа ютуқлари шунчалик кўпайиб боради, — дейди корхона директори Баҳодир Комилов. — Бу борада касаба уюшма қўмитасининг ходимлар манфаатини кўзловчи ҳар қандай таклиф ва тавсиялари маъмурият томонидан бажонидил қабул қилинади, бажарилади. Ҳамкорликдаги фаолиятга янгича ёндашув самарасини кўриб турибмиз.

Айтиш жоизки, ходимларни ижтимоий ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган ишлар доираси анчайин кенг. Барча участка ва цехларда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникасига доир кўргазмали воситалар, қўлланма ва йўриқномалар муҳайё. Масалага оид тарғибот-ташвиқот ишлари, ўқув-семинар ва суҳбатлар айни муддао бўлмоқда. Меҳнатни муҳофаза қилиш муҳандиси Фазлиддин Эшов, унинг ёрдамчиси Гусейнбахш Маҳмудов, шунингдек, касаба уюшма фаолларидан Дилфуза Абдуллаева, Ҳислат Хайруллаев, Камол Пўлатов, Ҳамза Азимов ва бошқалар касабақўм раисининг қўл-қанотларидир.

Яхши дам — меҳнатга ҳамдам

Корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасининг ҳамжиҳатлиги туфайли барча ишчи-ходимлар махсус кийим-бош, пойабзал, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган. Иш шароитига қараб сут-қатиқ берилади. Талаб даражасидаги кийим алмаштириш, ювиниш, дам олиш хоналари мавжуд. Спорт уларнинг доимий ҳамроҳи.

Жамоа аъзолари мини футбол, шахмат, шашка, стол тенниси, волейбол каби оммавий спорт турлари билан мунтазам шуғулланиши учун шарт-шароит яратилган. Натижа эса «Муборакнефтгазмонтаж»га қарашли корхоналар ўртасида ўтказилаётган мусобақаларда ўз ифодасини топаётир. Корхона ходимлари ҳамиша совриндорлар сафидан ўрин эгаллаб келишмоқда. Маънавият хонасидаги қатор диплом, ташаккурнома ва кубоклар фикримиз исботидир.

Кейинги уч йилда корхонада мамлакатимиз санаторийлари ва дам олиш уйларига бериладиган йўлланмаларга талаб икки баравардан ошди. Жамоа шартномасида кўзда тутилганидек, ходимлар санаторийларга берилаётган йўлланмалар қийматининг атиги 22 фоизини тўласа, дам олиш уйларига бепул йўлланмалар берилмоқда. Касаба уюшма қўмитаси маблағи ҳисобидан мамлакатимизнинг тарихий гўшалари — Самарқанд, Хива, Бухоро, Шаҳрисабз шаҳарларига саёҳатлар ташкил этилаётир.

Шунингдек, ҳар ёз мавсумида ишчи-ходимларнинг 110-120 нафар фарзанди Қашқадарёдаги «Қалдирғоч», Тошкентдаги «Чотқол» болалар оромгоҳларида имтиёзли йўлланмалар орқали ҳордиқ чиқаради. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бепул дам олдирилади. Жорий йилда 150 нафар болани соғломлаштириш режалаштирилган.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Рағбат

истеъдодли ёшларни қанотлантиради

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Рустам Шамсиев, Тошкент иссиқлик электр маркази газ-турбина цехи бошлиғи ўринбосари:

— «Энг фаол ёш энергетик» йўналиши бўйича 1-ўрин соҳиби бўлдим. Айни вақтда корхонамизда Марказий Осиёда ягона бўлган, Японияндан келтирилган газ-турбина қурилмаси қўлланилмоқда. Унда ишлаш учун 2012 йили Японияннинг Токио, Сендай, Хитачи шаҳарларида малака ошириб келдим. Айни вақтда устозларим Руслан Муборакшин, Владимир Белоусов, Ринат Алистратов билан ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқдамиз. Қурилманинг афзаллиги шундаки, газни тежаш бараварида атроф-муҳитга салбий таъсири ниҳоятда кам.

Ўрни келганда, ушбу кўрик-танлов ташкилотчиларига миннатдорлигимни изҳор этаман ва республика босқичида ҳам муваффақиятли иштирок этишга ҳаракат қиламан.

Саида Бекназарова, Тошкент ахборот технологиялари университетининг аудио визуал технологиялари кафедраси «Телевизион технологиялар» факултети ассистенти:

— Мазкур танловда «Медиа таълим тизимининг назарий асослари ва амалий усуллари» номли илмий ишим билан иштирок этдим ва «Энг ёш дастурчи» номинацияси бўйича ғолиб чиқдим. 5 йил давомида 52 та илмий мақолам чоп этилди. 4 та монографиям эса Германияда нашр қилинди.

Бугунги муваффақиятдан ниҳоятда руҳландим ва ўзим учун янги-янги режалар тузиб олдим.

Ғолибларга Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Р.НЕЪМАТОВ.
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

Энг фаол темирйўлчи

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Тадбирда халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати Тошпўлат Матибоев маъруза қилиб, мамлакатимизда темир йўл соҳасида амалга оширилган мислсиз ўзгаришлар тўғрисида сўз юритди. Соҳада эришилаётган муваффақиятларда ўз касбининг фидойилари, фаол, замонавий технологияларни пухта эгаллаган ёшларнинг ҳиссаси борлигини таъкидлади.

— Қўқон электр таъминоти масофасида ҳисобчи бўлиб ишлайман, — дейди тадбир иштирокчиси Зарнигор Ҳамидова. — Бундан ташқари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг масофадаги етакчисиман. Танлов туфайли янги дўстлар орттирдим, билим ва дунёқарашимни янада кенгайди.

— Танловда берк йўлларда вагонларни тутиб қолувчи янги мослама тақдимотини ўтказдим, — дея суҳбатга қўшилди Тошкент темир йўл масофаси иқтисодчи-муҳандиси Ваҳобжон Тўхтаев. — Кашфиётим тўсиққа 120 тоннагача зарба билан урилган вагонларнинг хавфсизлигига хизмат қилади. Келажакда ундан барча темир йўл бекатларида фойдаланиш мумкин. Ҳозирда янгиликни патентлаш ишлари кетяпти.

Танловда Андижон темир йўл масофаси ходими Ҳилола Каримова биринчи, Қўқон электр таъминоти масофаси ҳисобчиси Зарнигор Ҳамидова иккинчи ҳамда Тошкент темир йўл масофаси иқтисодчи-муҳандиси Ваҳобжон Тўхтаев учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Улуғбек ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Ёз — 2014

Жорий йилда Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан 3050, маҳаллий ҳокимликлар, ҳомий ташкилотлар ва хўжаликлар ҳисобидан 3530 ҳамда кундузги болалар дам олиш марказларида 7260 нафар бола дам олдирилади.

МАРОҚЛИ МАВСУМ

— Тахиатош шаҳрига кираверишдаги 12 гектарлик боғ-роғли ҳудуд ёшларимизнинг севиб дам оладиган масканига айланган, — дейди «Ойдин жўл» оромгоҳи директори Георгий Ли. — Мавсумда 700 болани дам олдириш режалаштирилган бўлиб, биринчи сменага 140 нафар ўқувчи қабул қилинди.

Стационар дам олиш марказида барча қулайликлар яратилган. Чўмилиш ҳавзалари, волейбол, баскетбол, футбол майдончалари, теннис зали, шахмат-шашка хоналари, болалар кутубхонаси болалар ихтиёрида.

— Оромгоҳимизга келган болажонларнинг ҳар бири эътиборимизда, — дейди бош тарбиячи Меҳрибону Даўлетмуратова. — Уларнинг зерикишга вақти йўқ. Ҳар бир ўғил-қиз қизиқишига қараб тўгаракларга аъзо бўлган. Кечалар, қизиқарли ўйинлар, қувноқ мусобақалар мунтазам ўтказилаётир.

Болажонларнинг соғлом бўлиб улғайиши учун ошхонада лаззатли таомлар, ҳар хил мевалардан шарбатлар тайёрланмоқда.

***

Хўжайли шаҳридаги тиббиёт коллежи базасида ташкил этилган кундузги болалар дам олиш марказида эса туман умумтаълим мактабларининг 140 нафар ўқувчиси кўнгилли ҳордиқ чиқармоқда. Уларнинг ёзги таътилни мароқли ўтказиши учун барча шароит яратилган.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch» мухбири

«ТОНГ» БОЛАЛАРИ

Фарғона вилоятининг сўлим гўшаларидан бўлмиш Хонқиз қишлоғида жойлашган «Тонг» болалар соғломлаштириш оромгоҳи ўз фаолиятини бошлади. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи тасарруфидаги ушбу оромгоҳда корхона ишчи-ходимларининг фарзандлари ёзги таътил кунларини мазмунли ва мароқли ўтказиши учун барча шароит яратилган. Завод ходимлари ҳамда кам таъминланган оилаларнинг 1250 нафар фарзанди беш босқичда дам олдирилади. 20 дан зиёд малакали тарбиячи ва мураббийлар, ишчи-хизматчилар мавсумга жалб этилган.

Оромгоҳда болаларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқариши учун дам олиш ётоқхоналари, турли кўнгилочар спорт майдончалари, 2 та сув ҳавзаси мавжуд. Қўл меҳнати, компютер саводхонлиги, бичув-тикув, миллий кураш, стол тенниси, футбол, баскетбол, волейбол, шахмат-шашка, бадиий гимнастика каби ўнлаб тўгараклар фаолият олиб бормоқда. Бадиий ва қизиқарли адабиётларга бой кутубхона, компютер маркази болалар ихтиёрида.

Ўғил-қизларнинг билим ва дунёқарашини бойитиш мақсадида «Кулги соати», «Эртаклар — яхшиликка етаклар», «Рақслар гулшани», «Балли, қизлар!», «Полвон йигитлар» каби маданий-маърифий тадбирлар ўтказилади. Дам олувчи болаларнинг ҳар бир куни қувноқ ўтиши учун турли тадбирлар белгиланган.

Шунингдек, фахрийлар билан учрашув, Чимён, Миндон, Халмиён, Хонқиз қишлоқларидаги зиёратгоҳ ва муқаддас қадамжоларга саёҳатлар уюштирилади.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Ҳайрия тадбири

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди болаларнинг ёзги таътилини мазмунли ҳамда қизиқарли тарзда ташкил этишга алоҳида эътибор қаратаётир. Хусусан, кам таъминланган оилалар фарзандлари, «Меҳрибонлик» уйлари, махсус мактаб-интернатлари тарбияланувчилари ҳамда ногирон болаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурлар бўйича тиббий, хайрия ҳамда маданий-маърифий йўналишларда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

МУШТАРАК ЙЎНАЛИШЛАР

Ёшларни маданий меросимизни асраб-авайлашга ўргатиш, тарихий осориатиқалар билан таништириш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда саёҳатлар ташкил этилмоқда. Жумладан, жорий йилда пойтахт ва Тошкент вилоятидаги «Меҳрибонлик» уйларининг 100 нафар тарбияланувчиси ҳамда 50 нафар Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи кам таъминланган ва кўп болали оила фарзандлари Самарқанд шаҳрига саёҳатга олиб борилди. Шунингдек, Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси грант маблағлари доирасида 350 нафардан ортиқ «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари Самарқанд вилоятидаги «Оҳалик» ва Тошкент вилоятидаги «Конструктор» оромгоҳларида дам олдирилади.

Ушбу хайрли ишларнинг давоми сифатида куни кеча «Соғлом авлод учун» фонди Халқ таълими вазирлиги ҳамда «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК билан ҳамкорликда Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги «Меҳрибонлик» уйлари ҳамда Андижон ва Сирдарё вилоятларидаги Болалар шаҳарчаларининг 50 нафар тарбияланувчиси Бухоро шаҳрига саёҳат қилдирилди. Ушбу сайр болажонлар учун таассуротларга бой бўлди.

Ўз мухбиримиз

Ўқув

Самарқандда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан «Меҳнат ва меҳнат муҳофазасига оид қонунларга риоя этилиши» мавзуида маҳорат дарслари ўтказилди.

Маҳорат дарслари

Ҳудуд тиббиёт муассасалари раҳбарлари, ҳуқуқшуносслар, кадрлар бўлими мутахассислари, меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчи масъуллар ва муҳандислар ҳамда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раисларига қонун талаблари, меъёрий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш ва меҳнат соҳасида бўлаётган ўзгаришлар юзасидан етарлича тушунча берилди.

— Касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида ташкил этилган маҳорат дарсларида 200 нафардан ортиқ соҳага дахлдор ходимлар иштироки таъминланди, — дейди тармоқ ходимлари Республика кенгаши Бош юристконсулти Улуғбек Абдураҳмонов. — Улар хавфсиз ва зарарсиз меҳнат муҳитини шакллантириш, иш берувчи ва ходимлар ўртасида меҳнат муносабатлари низоларининг олдини олиш ва қонунлар ижросини таъминлаш юзасидан тўла маълумотга эга бўлдилар.

Маҳорат дарслари иштирокчилари томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар алоҳида қайд этилиб, мавзу юзасидан берилган саволларга Республика кенгаши раиси ўринбосари Гўзал Тўхтаева, меҳнат муҳофазаси бўйича бош мутахассиси Зафар Алиев ва ижтимоий ҳимоя бўйича бош мутахассиси Озод Адилов томонидан жавоб берилди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Урганч шаҳрида «Табассум сервис» хусусий фирмасида ҳар хил турдаги сумкалар, болалар ва катталар кийим-кечаклари, махсус иш кийимлари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Маҳаллий хомашёдан тайёр маҳсулотлар

— Президентимизнинг «2013-2015 йилларда Хоразм вилояти саноати салоҳиятини ривожлантириш Дастури тўғрисида»ги Қарори фаолиятимизни кенгайтиришда дастуруламал бўлди, — дейди корхона раҳбари Авазжон Собирова. — Чеварларимиз қўлидан чиқаётган маҳсулотлар бичими-ю тикилиши, энг муҳими, дизайни жиҳатидан жаҳон талабларига жавоб беради.

Юлдуз Рўзимова, Хосият Худойберганова, Севара Каримова сингари ёшлар тайёрлаётган кийимлар, сумкалар харидоргирлиги билан ажралиб турибди. Ишга қабул қилинган ёшлар пойтахтдаги «Орзу Осиё оптима» масъулияти чекланган жамиятида малакаларини ошириб қайтиши йўлга қўйилганлиги айни муддао бўлмоқда. Эътиборлиси, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар маҳаллий хомашёдан тайёрланмоқда.

Келажакда корхона қошида тикувчилик, сартарошлик, пишириқ тайёрлаш курслари очиш режалаштирилган. Дарвоқе, корхона тез кунларда янги бинода фаолият бошлайди ва йигирма икки нафар коллеж битирувчисини иш билан таъминлайди.

Ў.РАҲИМОВА

Етакчилар ҳақида ҳикоялар



Нажмиддин ака одатдагидек ишга барвақт келди. Бажарадиган юмушлари режасини тузиб олгач, касаба уюшма қўмитаси аъзолари Даврон Каримов, Саодат Шодиева, Ирина Ковалевская ҳамда Камол Раҳимовни ҳузурига чорлади.

— Ташкилотимизга бир гуруҳ ҳамкасбларимиз келиб, иш тажрибамизни ўрганишар экан, — дея муддаога ўтди касабақўм раиси.

Дастлаб Даврон Каримов сўз олди:

Ўз ўрнидаги одам

— Албатта, бошланғич ташкилотимизда илғор тажриба тўпланган. Фақат гап уни кўрсата олишимизда. Нажмиддин ака, ташвишланманг. Кўрасиз, намунали фаолиятимиз меҳмонларга ҳам маъқул бўлади.

Бошқалар ҳам унинг фикрини қўллашди. Нажмиддин ака бироз енгил тортди.

Нажмиддин Камолов 1952 йили Тошкент шаҳридаги «Эшонгузар» маҳалласида зиёли оилада таваллуд топди. 52 йил давомида пойтахтимиздаги 24-мактабда математика фанидан ёшларга сабоқ берган отаси Зайниддин ака кенжа ўғлини ҳам илмга қизиқтира олди.

— Илм чироқ каби ҳаёт йўлимизни ёритади, ўғлим. Ҳамиша билим эгаллашга интил, — дея миясига қуйганди ўшанда отаси.

Нажмиддин ака ота ўгитига содиқ қолди.

1969 йили пойтахтимиздаги 45-ўрта мактабни олтин медал билан тугатгач, Тошкент политехника институтининг (ҳозирги Тошкент давлат техника университети) инженер физика факултетига ҳужжат топширди. Мактабда олган пухта билими қўл келди. Дастлабки йиллардан автоматика-телемеханика мутахассислигини қунт билан эгаллашга киришди. Ундаги қобилиятни пайқаган устозлари Зарбдор Солиҳов ва Ҳусан Эгамбердиев илмий иш билан шуғулланишга даъват этди. 3-босқичда ўқиётганда «Пахтани тозалаш жараёнини автоматлаштириш» мавзусида илмий иш ёзишга киришди. Устозлар бу тадқиқотга яхши баҳо беришди. Диплом иши ҳам айнан шу мавзуда бўлди.

Институтни тугатгач, йўлланма асосида Пахта тозалаш саноатининг Марказий илмий-тадқиқот институтида кичик илмий ходим сифатида фаолият бошлади. Орадан икки йил ўтгач, Ўзбекистон Фанлар академиясининг энергетика ва автоматика институти аспирантурасига қабул қилинди. 1982 йили «Пахтани тозалаш технологик жараёнини автоматлаштириш» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади ва «Пахта тозалаш саноати» илмий-тадқиқот институтида лаборатория мудири лавозимига тайинланди. 1992 йили эса «Пахтага дастлабки ишлов бериш технологик жараёнларининг автоматлаштирилган бошқарув тизимини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш» мавзусида ҳимоя қилган докторлик диссертацияси мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

— Илмий фаолиятим «Пахтасаноат илмий маркази» очиқ акциядорлик жамияти билан чамбарчас боғлиқ, — дейди Нажмиддин Камолов. — Илмий марказимиз фаолият бошлаганига яқинда 90 йил тўлади. Марказий базада Илмий кенгаш ва «Пахта» техник қўмитаси фаолият юритмоқда. Соҳавий илмий-техник материалларни чоп этиш учун замонавий жиҳозланган полиграфик бўлинма ҳам мавжуд.

Узоқ йиллик илмий фаолияти, тажрибаси ва энг асосийси, одамлар билан тил топиша билиш қобилиятини ҳисобга олиб, ҳамкасблари унга катта ишонч билдиришди.

— Нажмиддин Камолов айни вақтда касаба уюшма ташкилоти етакчиси сифатида қизғин иш олиб бораётир, — дейди «Пахтасаноат илмий маркази» ОАЖ директори муовини Бахтиёр Бойхонов. — Шахсан у ва касаба уюшма қўмитаси аъзоларининг саъй-ҳаракати натижасида ташкилот фаолияти кескин яхшиланди. Таъбир жоиз бўлса, Зайниддин акага бир оғиз сўз билан «ўз ўрнидаги одам», дея таъриф бериш мумкин.

Ҳақиқатан ҳам кейинги йилларда бошланғич ташкилот нуфузи ортди.

— Бошланғич ташкилотимизда 108 нафар аъзо бўлиб, 1 нафари фан доктори, 10 нафари фан номзодлари, 74 нафари эса олий маълумотлидир, — дейди касабақўм етакчиси. — Жамоа шартномамиз 2012-2014 йиллар учун қабул қилинган бўлиб, уни тузишда Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ва «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид тармоқ келишуви, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда Савдо-саноат палатасининг шаҳар ҳудудий бошқармаси ўртасида тузилган ижтимоий ҳамкорлик тўғрисидаги келишув асос қилиб олинган.

Маъмурият ва касабақўм ўртасидаги ҳамкорлик ижобий натижа бермоқда. 2011 йилда аъзолардан тушадиган 1 фоиз маблағга маъмурият яна 0,5 фоиз қўшиб берди. 2012 йилда эса бу қўшимча 1 фоизга етказилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан бошланғич ташкилотларга берилаётган эътибор туфайли ўтган йилдан бошлаб аъзолик бадалининг 60 фоизи бошланғич ташкилотда қолмоқда. Натижада тушум кўпайиб, ундан мақсадли фойдаланиб келиняпти. Ўтган йили умумий тушум 29,2 млн. сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагида ушбу рақам 12,4 млн. сўмга етди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, илмий марказда ходимларга кўнгилдагидек иш ўрни яратиш доимий диққат эътиборда. 9 та лаборатория хонаси, иш кабинетлари, ошхона қайта таъмирланиб, жиҳозлари янгиланди. Бу иш учун 300 млн. сўм сарфланди.

Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари соғлиғини тиклаш ишлари алоҳида эътиборда. Чимён тоғларидаги «Арчазор-Чимён» дам олиш маскани қайта таъмирланиб, ходимлар у ерда ҳордиқ чиқаришяпти.

Касаба уюшмаларининг меҳнаткашлар ўртасидаги мавқеи ва нуфузини оширишга қўшган муносиб ҳиссаси, меҳнат жамоасида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишдаги самарали фаолияти учун «Пахтасаноат илмий маркази» ОАЖ Ўзбекистон касаба уюшмалари тизимида 2013 йилда ўтказилган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловида 1-ўринга муносиб кўрилди. Айнан шу йили Нажмиддин Камолов Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Эҳтиром нишони» билан тақдирланди. Қаҳрамонимиз нафақат етук илмий ходим ёки моҳир ташкилотчи, у яхши оила бошлиғи ҳам. Турмуш ўртоғи Жамила опа билан 3 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказишди. Улар айни вақтда турли соҳаларда фаолият кўрсатишяпти.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

Матбуот анжумани

«Ўзархив» агентлиги «Миллий архив фондининг нодавлат сегментини ривожлантириш масаласи» мавзусида матбуот анжуманини ўтказди. Унда «Ўзархив» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивлари, Тошкент шаҳар архив иши бошқармаси ва пойтахтимизда жойлашган давлат архивлари ҳамда бу тоифага кирмайдиган архив муассасалари, жумладан, идоравий архивлар ва нодавлат ташкилотларнинг вакиллари иштирок этишди.

Миллий архив фондининг нодавлат сегменти

Анжуманда «Ўзархив» агентлиги бош директори А.Абдуллаев Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисмини бойитиш, уларни тизимли асосда жамлаш, ҳисобини олиб бориш, сақлаш ҳамда фойдаланишни ташкил этиш масалалари ҳақида сўз юритди.

Архив ҳужжатлари Ўзбекистон халқи маданий меросининг ажралмас қисмидир ва уларнинг сақлов муддати чекланмаган. Нодавлат корхона, муассаса ва ташкилотлар фаолияти натижасида яратилган архив ҳужжатлари, шунингдек, жисмоний шахсларнинг шахсий архив ҳужжатлари Миллий архив фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисмини ташкил этади.

Алоҳида кўрсатиб ўтиш жоизки, фуқаро томонидан давлат архивига топширилаётган ҳужжатлар тарихий, маънавий, илмий ва маданий аҳамиятга эга бўлса, бу ҳужжатлар шахсий фонд сифатида расмийлаштирилади ва сақлов билан боғлиқ тўлов олинмайди. Қимматли ёки ноёб ҳужжат топширилган холларда, аксинча, архив фуқародан давлат томонидан белгиланган нархда сотиб олиниши ҳам мумкин. Нодавлат архив фондининг ҳужжатлари, жумладан, жисмоний шахсларнинг хусусий мулки сифатида ўзида сақланаётган архивлар юридик ва жисмоний шахсларнинг фойдаланиши учун фонд эгаларининг розилиги билан берилиши мумкин.

Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди тўғрисида Низом»га мувофиқ Нодавлат юридик ва жисмоний шахслар ўз ҳужжатларини давлат мулки қилиб давлат архивлари, музейлар ва кутубхоналарда сақлашга беришлари мумкин. Бундай ишлар битим (шартнома) билан, зарур ҳолларда ҳужжатларни сақлаш ва улардан фойдаланиш шартлари аниқланган ҳолда расмийлаштирилади. Нодавлат корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва бирлашмалар тугатилганда ёки шахсий архив эгаси вафот этганда, ворислар ва қонуний меросхўрлар бўлмаганда уларнинг ҳужжатлари давлат мулкига ўтказилиб, доимий сақлаш учун давлат архивларига топширилади. Бундан ташқари, «Архивларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тўғрисида Низом»да нодавлат архивлар фаолиятини ташкил этиш бўйича меъёрлар белгиланган.

Давлат архивларида шахсий келиб чиқиш ҳужжатлари (шахсий фонд) ҳам жамлаб борилади ва бу ҳужжатлар Миллий архив фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисмини ташкил этади. Биргина Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида ҳозирги кунга келиб олимлар ва таниқли шахсларнинг жами 233 та шахсий фонди мавжуд бўлиб, уларда умумий ҳисобда 42 мингдан ортиқ йиғмажилд мужассамлашган. Республика бўйича эса қарийб мингга яқин фондда жами 70 мингдан ортиқ йиғмажилдда шахсий фонд ҳужжатлари сақланмоқда.

Раъно МАҲКАМОВА,
«Ishonch» мухбири

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан соҳа мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида «Аҳолини юқумли касалликлардан муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар, бунда давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар, барқарор эпидемиологик ҳолатни сақлашдаги эътибор ва ғамхўрлик масалалари» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Вакцина билан эмлаш

аҳолини юқумли касалликлардан муҳофазалашда ишончли омил

Таъкидланганидек, мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ юқумли касалликларга қарши кураш ва уларнинг олдини олиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида аҳоли ўртасида эпидемик вазиятнинг барқарорлиги таъминланмоқда. Бу борада Давлат санитария-эпидемиология назорат марказларининг мамлакатимиз чегараларидаги пунктлари томонидан республика ҳудудига четдан кириб келиши ва тарқалиши мумкин бўлган юқумли касалликларнинг олдини олиш билан бир қаторда, хоридан олиб кирилаётган озиқ-овқат ва бошқа барча турдаги халқ истеъмоли молларининг сифати ва хавфсизлиги назорат қилиб келинмоқда. Санитария назорати пунктларининг фаолиятини янада яхшилаш мақсадида 5 та халқаро аэропортда замонавий телевизорлар ўрнатилиб, тана ҳароратини ўлчаш учун 235 дона контактсиз термометрлар билан таъминланган.

Юқумли касалликларнинг олдини олиш билан бирга, эмлаш ишларини юқори савияда ташкил этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва бошқа тегишли муассасалар ташаббуси билан ўтказиладиган иммунизацияга оид тадбирлар доирасида ҳар йили дунё аҳолисининг қарийб учдан бир қисми юқумли касалликларга қарши эмланади.

Ҳозирда мамлакатимизда 10 та юқумли касалликка қарши эмлаш тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқаро мувофиқлаштирувчи қўмита, Иммунопрофилактика тадбирлари бўйича миллий техник эксперт гуруҳи эмлаш календарига янги вакцинацияларни киритиш ишларини олиб бормоқда. Боланинг 2, 3, 4 ойлигида 1 та инфекцияда бешта касалликка қарши пентавалент вакцинаси профилактик эмлаш календарига киритилди. Бундан ташқари, бир ёшгача бўлган болалар 2015 йилдан пневмококк инфекциясига қарши вакцина, 2016 йилдан бошлаб 10-11 ёшли қизларни ВПЧ вакцинаси билан эмлаш режалаштирилган.

Сўнгги ўн йил ичида полиомелит, қизамиқ-қизилча ва вирусли гепатитнинг «В» турига қарши эмлаш ишлари олиб борилаётгани натижасида болалар ўртасида бу борада эпидемик вазият яхшиланди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, дунёнинг бир қатор мамлакатларида аҳолининг вирусли гепатитлар билан касалланиши бўйича эпидемик вазият мураккаблигича қолмоқда. Ер юзида ҳар йили ўрта ҳисобда 1,4 миллиондан ортиқ инсон гепатитнинг «А» турига чалинянпти. Ачинарлиси, уларнинг 60-70 фоизи мактаб ёшидаги болалардир.

2014 йилнинг июн ойидан бошлаб, республикамиздаги профилактик эмлаш календарига 2-3 ойлик болаларни диарея касалликларига қарши ротарикс вакцинаси киритилди. Бу болалар орасида юқумли ичак касалликларининг камайишига хизмат қилади.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Республика Марказий банки томонидан «Хотин-қизлар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш, оилавий бизнесни ривожлантириш ва бандликни таъминлаш» мавзусида анжуман ўтказилди. Унда Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, тижорат банклари ҳамда «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон Ишбилармон аёллар уюшмаси вакиллари иштирок этди.

Оилавий бизнес – муқим бандлик

Анжуманда сўз олганлар сўнгги йилларда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўрни, тадбиркор аёлларнинг иқтисодий жараёнлардаги фаоллиги тобора ошиб бораётгани, уларнинг ўз салоҳиятини намоён этиши учун кенг имконият, қулайлик ва шарт-шароитлар яратилаётгани, айниқса, қишлоқ ҳудудларида хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш орқали иш билан таъминлаш масаласида банкларнинг ҳиссаси катта бўлаётганини таъкидлаб ўтди.

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, уларнинг банк хизматларидан янада кенгроқ фойдаланишига етарли замин яратди.

Ўтган 10 йил давомида республикамизда тижорат банклари томонидан аёллар тадбиркорлигини кредитлаш ҳажми 30 баробарга ўсди. Мазкур Фармон қабул қилингандан буён тижорат банклари томонидан аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга 2,6 трлн. сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилди.

Соғлом бола йилида айнан аёллар тадбиркорлиги учун тижорат банклари томонидан 600 млрд. сўмдан зиёд кредитлар ажратилиши кўзда тутилган.

Саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларига йўналтирилаётган кредит маблағлари эвазига минглаб хотин-қизлар ўз бизнесларини йўлга қўйиб, оиласи, қолаверса, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга ҳисса қўшиб келаётир.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«Ishonch» мухбири

«Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси томонидан «Чарм, пойабзал, кийим ва аксессуарлар VI халқаро кўргазмаси ўтказилиш жараёни ҳамда соҳага тегишли чет эллик тадбиркорлар билан ҳамкорлик» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

Истиқболли лойиҳалар

Тадбирда «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси раис ўринбосари Ш.Шералиев ўтказилган кўргазма-ярмарка, соҳада амалга оширилаётган ишлар ва истиқболли лойиҳалар ҳақида батафсил маълумот берди.

Таъкидландики, уюшма таркибида 75 та ишлаб чиқариш корхонаси бор. Ўтган йил тизимда 345 та иш ўрни яратилган бўлса, бу йил 421 киши иш билан таъминланади. Маҳсулотларнинг ўсиш суръати ошаётир. Айни пайтда хорижий давлатлардан ҳам харидорлар сони ортиб боряпти. Маҳсулотлар экспорти прогноз кўрсаткичи 2014 йилда янада юксалади. 2013 йилда 7001 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқарилган бўлса, бу йил улар сони 7575 минг жуфтга етади. Уюшма инвестиция дастурига асосан ўтган йил 9700 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилган эди, жорий йил бу кўрсаткич 11010 минг доллардан ошади. Республика ҳудудида соҳага ихтисослашган замонавий янги корхоналар ташкил этилиб, мавжудларини модернизация қилиш ишлари давом этади. Шунингдек, талай янги лойиҳалар, жумладан, болалар, аёллар, спорт пойабзаллари ишлаб чиқариш, чарм атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, чармдан кийим тикиш лойиҳалари ҳамда чорва молларини сўйиш ва гўшт маҳсулотларини сотиш мажмуасини бунёд этиш лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Шарофат НОРҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Реклама ўрнида

Qishloq Qurilish Bank

Тадбиркордан ташаббус – банкдан мадад

Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожида кичик бизнес субъектлари ҳамда хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва улушини янада кенгайтириш мақсадида татбиқ этилаётган ислоҳотлар амалда ўзини тўлиқ оқламоқда.

ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Қўрғонтепа филиали ҳам иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал модернизация қилиш ҳамда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш юзасидан қатор ишларни амалга ошираётир.

Хусусан, 2014 йилнинг 5 ойи давомида кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банк томонидан 3750,4 млн. сўмлик кредитлар ажратилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,1 маротаба ёки 317,4 млн. сўмга ортганини англатади.

Шу билан бир қаторда, аҳолининг фаол қисмига ўз бизнесини ташкил этиш учун шарт-шароит яратиш мақсадида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга 240,9 млн. сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январда қабул қилинган «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш йўлида амалга оширилган ишлар ҳам эътиборга лойиқдир. Юртимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини мамлакатда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, қишлоқ жойларда замонавий, юқори унумли техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни барпо этиш, шу асосда янги иш ўринларини яратиш мақсадида филиал томонидан қарийб 678,9 млн. сўмлик кредитлар ажратилгани фикримиз исботидир.

М.ОТАБОЕВ,
«Тафаккур идрок камоли»
МЧЖ раҳбари:

— ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Қўрғонтепа филиалидан 95 млн. сўм миқдорида кредит олиб, «Тафаккур идрок камоли» масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилдик. Асосан қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз. Ҳозирда корхонамизда бир кунда 120 кг. маҳсулот ишлаб чиқариб, нафақат туманимиз, балки қўшни туманларга ҳам етказиб бермоқдамиз. Банкнинг мадади туфайли корхонада 8 киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Улардан 5 нафари касб-ҳунар коллежи битирувчиларидир. Келгусида маҳсулотлар турини кўпайтириб, янада кўпроқ иш ўринлари яратиш ниятидамиз.

ЎзА олган суратлар

Сайдулло АБДУҚОДИРОВ,
«АЛ-САИД ЭЛИГАНТ» хусусий корхонаси раҳбари:

— Юртимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити ҳар бир инсон учун кенг имкониятлар яратмоқда. Мен ҳам пухта бизнес лойиҳа тузиб, ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Қўрғонтепа тумани филиалига тақдим этдим. Банк мутахассислари лойиҳамни қисқа вақт ичида кўриб чиқиб, менга зарур бўлган 35 млн. сўм миқдорида кредит маблағини ажратди. Фаолиятимиз нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган. Олиб келиб ўрнатилган замонавий технология ишлаб чиқаришда қулайликлар туғдириб, маҳсулот сифати ва унга бўлган эҳтиёжнинг ошишига сабаб бўлди. Натижада, корхонада 5 та янги иш ўрни яратилди. Жумладан, 2 нафар коллеж битирувчиси иш билан таъминланди. Келгусида банкнинг молиявий кўмагида ишлаб чиқариш турини кенгайтиришни режалаштирганмиз.

***

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига биноан, банк томонидан рақобатбардош, юқори сифатли ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда турлари кенгайишини рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини бойитиш, тайёр ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи янги, маҳаллий корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун 2014 йил жорий 5 ойи давомида ажратилган кредитлар ҳажми 1020,3 млн. сўмни ташкил этди.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон талаблари асосида Қўрғонтепа филиали томонидан тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш борасида ўтган 5 ой давомида жами 970 млн. сўмлик кредитлар ажратилди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 223 млн. сўмга кўп деганидир.

Ёш оилаларга ғамхўрликни кучайтириш, уларни қулай ва шинам уй-жой билан таъминлашга қўмаклашиш мақсадида жами 384,4 млн. сўм миқдорида ипотека кредитлари берилди.

Ўсиб келаётган навқирон авлоднинг соғлом ва маънан етук, баркамол инсон бўлиб етишиши, чуқур билим олиш имкониятларини кенгайтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, олий ўқув юртларига шартнома тўлов асосида қабул қилинган 19 нафар ёшга 45 млн. сўм миқдорида таълим кредит маблағлари ажратилди.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ 2 та лойиҳани молиялаштириш учун 55 млн. сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар берилди.

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка бўлган эътибор ривожланиш йўлидан босқичма-босқич қадам ташлаб, юксак даражага кўтарилишимизга сабаб бўлмоқда. Бундай ислоҳотлар натижасида бугун ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Қўрғонтепа филиали ҳам ўз фаолияти самарадорлигини оширишга эришаётир. Бу эса вилоятда кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорликнинг қўллаб-қувватланиши ҳамда ҳудуд иқтисодиётининг юксалишига мустаҳкам замин яратмоқда.

Банк материаллари асосида
Фарида КЎМАКОВА
тайёрлади.

Реклама ва эълонлар

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги 13-сон қурилаётган корхоналарнинг бирлашган дирекцияси қуйидаги объектни таъмирлаш ва тиклаш бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади.

Сурхондарё вилояти Музработ туманидаги узунлиги 169,790 км. бўлган К-5а, ЖК-1, К-11, К-2 ва К-3 коллекторларни тизимли таъмирлаш ва тиклаш.

Объектнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғисиз - 1 094,668 млн. сўм, ишларни бажариш муддати - 300 кун.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги 13-сон қурилаётган корхоналарнинг бирлашган дирекцияси.

Манзил: Термиз шаҳри, Малик Қаҳҳор кўчаси, 10-уй. **Тел\факс:** 223-34-41, 222-75-29.

Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш - Молия вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак. Танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли Қарорларига асосан танлов савдоларида қатнашувчилар таркиби бўйича кичик бизнес соҳасига кирувчи ташкилотлар учун квота миқдори 35 фоизни ташкил қилади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси - «Даврархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй.

Телефон\факс: (8-376) 221-44-73, 221-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи - 100 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати - оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши, уларни матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 15 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уйда ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

Билдиришнома

«Ishonch» газетасининг 2014 йил 10 июндаги 71 (3420) сонида чоп этилган «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ томонидан берилган хабарномадаги 1-хатбошидаги Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасига тегишли бўлган Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Тафаккур кўчаси, 55-уй ёнида жойлашган, қурилиши тугалланмаган савдо дўкони бино ва иншоотининг умумий майдони **«1099 кв.метр»** деб ўқилсин.

Хабарноманинг савдо кунларига оид қисми қуйидагича ўқилсин: «Аукцион савдоси 2014 йил 14 июл куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А»уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 28 июл ва 11, 25 август кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

ТУЗАТИШ

«Ishonch» газетасининг 2014 йил 27 майдаги №64 (3413)-сонида чоп этилган «SURXON GRAND BROKER» МЧЖ томонидан берилган хабарномадаги эълон қуйидагича ўқилсин.

1. Шўрчи тумани тиббиёт бирлашмаси балансига тегишли бўлган 1990 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 75/068 КАА ўрнига **19 AG 922 ва «УАЗ 3962» русумли техник носоз ва таъмирталаб ҳолдаги автомашинасининг бошланғич баҳоси — 900 000 сўм.**

Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, 32-уй «**Тадбиркорлар маркази**». Тел:+99898 272-50-59.

«Surxondaryo mulk markazi» MChJда бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.2011 йилдаги №153-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картаграфия ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 01.06.2011 йилдаги №62-сонли буйруқларига асосан Сурхондарё вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасига тегишли, Термиз шаҳар, М.Қаҳҳор кўчаси, 10-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда;

1. Тико русумли, д/р 75/ 674 JAA бўлган, 2001 й и/ч таъмирталаб автомашина. **Бошланғич баҳоси — 1 957 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2014 йил 18 июл куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги мулк 2014 йил 18 июлдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2014 йил 4 август куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 18 июл учун 2014 йил 16 июл, 2014 йил 4 август учун 2014 йил 1 август куни соат 18:00.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини SMM МЧЖнинг ХОАББ «Траст банк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт: х/р: 20208000904941294001, МФО: 01063, СТИР: 302125729.

Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, 32-уй «Тадбиркорлар маркази» биноси 6-хона. Тел: (8376) 221-77-94. *25 октябр 2011 йилдаги реестр рақами 972-сонли гувоҳнома.*

Хизматлар лицензияланган.

Омон бўлинг, МУШТАРИЙ

Ishonch
2014-yil 14-iyun № 73 (3422)

Мулоҳаза

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш асримизнинг муҳим масалаларидан бири бўлиб турибди. Ариқ-қувурлар, кўча-кўй, одамлар яшаш жойларига уюм-уюм ахлатлар ташлаб кетилаётгани ва шу каби муаммолар «Ойнадаги доғлар» кўрсатувида ҳамда газеталарда танқид остига олинаётган бўлса-да, ҳали-ҳануз жиддий ўзгариш кузатилмаяпти.

Табиат – онамиз

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, бугунги кунда экологик муаммоларнинг аксарияти чиқиндилар билан боғлиқ.

Кўпчилигимиз каналлар, зовурлар, ариқлардан жилоланиб оқаётган зилол сувларга турли чиқиндилар ташланаётганини кўрамиз. Лекин эринчоқлигимиз сабабли ёки ўзимизча бировларнинг «дилини оғритиб қўймаслик» учунми, тишимизни тишимизга қўйиб, индамай кетаверамиз. Бундай ифлосланган сувда чўмилаётган болалар соғлиғи нима бўлади, ўйлаб кўрмаймиз ҳам. Табиат бизга қанчадан-қанча буюк неъматларни инъом қилган. Бизнинг табиатга муносабатимиз шуми?

Ахир технология соҳасидаги тараққиёт, янги энергияларнинг кашф этилиши, янги маъданлар ва кимёвий моддаларнинг пайдо бўлиши, ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналардан чиқаётган зарарли тутунлар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги муаммоларни келтириб чиқараётгани камми? Бу ҳам етмагандай ўзидан кислород тарқатаётган дарахт шохларини кесишга, табиатнинг жонли мавжудотларига озор етказишга, хазонларни ёқиб юборишга уринаётганлар ҳам йўқ эмас.

Ота-боболаримиз азал-азалдан увол, савоб-гуноҳ, яхши-ёмон каби тушунчаларни кўп бора такрорлаб, қулоғимизга сингдириб келишган. Наҳотки ушбу ўгитларга амал қилишга кучимиз етмаса?!

Муаммо, муаммо деймиз, мана шу айтилган муаммоларни келтириб чиқараётганлар аслида ўзимиз эмасми? Ҳаммамиз ўзимизга тўғри бўлиб, «Мен бу ишни тўғри қиляпманми?» деган савол билан виждонан иш қилсак, муаммоларимиз ҳам ўз-ўзидан бартараф этилади. Шундай эмасми?..

Назокат МАШАРИПОВА,
журналист

ФУТБОЛ

Ўзбекистон футбол федерацияси президенти Мираброр Усмонов FIFAнинг «Хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

FIFA ЭЪТИРОФИ

Бразилиянинг Сан-Паулу шаҳрида FIFA 64-Конгрессида иштирок этган Ўзбекистон футбол федерацияси президенти Мираброр Усмонов футболни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун шундай мукофотга муносиб кўрилди.

Мазкур орден ҳар йили бир марта ўтказиладиган конгрессда FIFA президенти томонидан топширилади.

Бразилияда футбол бўйича 2014 йилги жаҳон чемпионати баҳслари старт олди. Мусобақа мезбон жамоа ва Европа вакили — Хорватия миллий термаси ўртасидаги баҳс билан бошланди.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ СТАРТ ОЛДИ

«Арена де Сан-Паулу»да бўлиб ўтган учрашув 3:1 ҳисобида якун топди.

Эътиборлиси, барча голлар бразилиялик футболчиларга тегишли. Дастлаб, 11-дақиқада Бразилия терма жамоаси ҳимоячиси Марсело Хорватиянинг чап қанотдан бошланган ҳужумини ўз дарвозасига гол уриш билан поёнига етказди.

Бразилия терма жамоаси ҳужумчиси Неймар 29-дақиқада ҳисобни тенглаштирган бўлса, 71-дақиқада белгиланган пеналтидан унумли фойдаланди. Сўнгги гол 90+1-дақиқада Оскар ҳисобига ёзилди.

КИКБОКСИНГ

Миллий терма жамоамиз аъзолари Лигнано Сабядор (Италия) шаҳрида ташкил этилган Жаҳон кубоги мусобақаларида совриндорлар сафидан ўрин эгаллашди.

ИТАЛИЯДАГИ МУВАФФАҚИЯТ

Ўзбекистон кикбоксинг федерацияси тақдим этган маълумотларга кўра, 1997 йилда тавалуд топган Ҳумоюнбек Давронов финалгача бўлган барча жангларда ғалаба қозониб, кумуш медал соҳибига айланди.

1982 йилда туғилган Аҳмад Алимбеков ҳам мусобақада бронза медали билан тақдирланди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Эртамиз эгалари

Наманган шаҳрида ўтказилган «Баркамол авлод — 2014» мусобақасида Навоий вилоятидан 108 ўқувчи-ёш иштирок этди. Якуний натижаларга кўра навоийлик ёшлар 2 та олтин, 10 та кумуш, 44 та бронза медалини қўлга киритди. Шундан битта олтин, 2 та кумуш ва битта бронза Зарафшон академик лицейи ўқувчиларига тегишли.

МУНОСИБЛАРГА ИЗЗАТ-ИКРОМ

Жумладан, шахмат бўйича Моҳинур Қаҳрамонова, сузишда Алёна Василева, эркин кураш бўйича Сейлхан Аспанов, баскетболда Умиджон Ахматов каби ўқувчилар муносиб иштирок этди.

Ўқувчилар лицей маъмурияти томонидан иззат-икром билан кутиб олинди. Лицейнинг ахборот-ресурс марказида ғолиблар билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда шаҳар ҳокимлиги вакиллари, шаҳар маданият ва спорт бўлими бошлиғи Асқар Қурбонов, «Камолот» ЁИҲ шаҳар кенгаши раиси Учқун Бобоев, шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича масъул котиб Асқар Давронов ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Учрашув давомида ёшлар ўз таассуротлари билан ўртоқлашди. Тадбир якунида мусобақа ғолибларига эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

Муҳаббат ҚАҲҲОРОВА,
Зарафшон академик лицейи француз тили фани ўқитувчиси

Реклама ва эълонлар

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ «Toshkent mintaqaviy filial» бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Савдога «Шароб Савдо» унитар корхонасининг 2014 йил 29 апрелдаги 11-сонли буйруғи ва 2014 йил 9 июндаги 36-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Эски қовунчи КФЙ манзилида сақланаётган, давлат рақами 10 075 ЕАА бўлган 2004 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз, ГБАСПГ «Нексия» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 12 800 800 сўм.**

Аукцион савдоси 2014 йил 15 июл куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 14 июл куни соат 18:00.

Автотранспорт воситаси 2014 йил 15 июл куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 22 июл ва 29 июл кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2014 йил 22 июл савдолар учун 21 июл куни соат 18:00, 29 июл савдолар учун 28 июл куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт: 20210000300571452142, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Амир Темур шоҳ кўчаси, 19-уй. 233-28-52. www.rmm.uz.

Хизматлар лицензияланган.

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ «Toshkent mintaqaviy filial» бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Савдога «Газчитранс» унитар корхонасининг 2014 йил 12 июндаги 72 сонли буйруғи ва 2014 йил 13 июндаги 01/10-345-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 47-уй манзилида сақланаётган воситалари қўйилмоқда.

1. Давлат рақами 01 894 ХВА бўлган 1991 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз, ЗИЛММЗ-67А русумли автотранспорт, **бошланғич баҳоси — 2 630 030 сўм.**

2. Давлат рақами 01 678 ВАА бўлган 1986 йилда ишлаб чиқарилган техник носоз, КАМАЗ5511 русумли автотранспорт, **бошланғич баҳоси — 3 764 030 сўм.**

Аукцион савдоси 2014 йил 15 июл куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 14 июл куни соат 18:00.

Автотранспорт воситаси 2014 йил 15 июл куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 22 июл ва 29 июл кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2014 йил 22 июл савдолар учун 21 июл куни соат 18:00, 29 июл савдолар учун 28 июл куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт: 20210000300571452142, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Амир Темур шоҳ кўчаси, 19-уй. 233-28-52. www.rmm.uz.

Хизматлар лицензияланган.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига «O'zbekiston havo yo'llari» Миллий авиа компанияси дирекциясининг 2014 йил 13 июндаги ПС-3.3-256-сонли хати, «O'zbekiston havo yo'llari» Миллий авиа компанияси Кенгашнинг 2013 йил 5 мартдаги 1-сонли қарорига асосан, Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Ц-1, 24-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 89.91кв.м., бўлган 42 хонадон қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 162 199 280 сўм 42 тийин.**

Аукцион савдоси 2014 йил 15 июл куни соат 15:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 11 июл куни соат 18:00.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2014 йил 15 июл куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2014 йилнинг 22 ва 29 июл кунлари соат 15:00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 22 июлдаги савдо учун 18 июл, 29 июлдаги савдо учун 25 июл кунлари соат 18:00.

Савдога қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади: юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулклар учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-лдаги ҳ/р: 20208000904920609114, МФО: 01036, ИНН: 207122519 тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А»уй. Тел: 228-80-26. www.1kms.uz. **Лицензия RR-0001.**

Аукцион савдолари хабарномаси.

«KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2014 йил 3 июл куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 17.02.2014 йилдаги 10-1308/11919-сонли Ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «ECITY GROUP» масъулияти чекланган жамияти кредиторларининг 24.04.2014 йилдаги йиғилиш баёнига ва тугатиш бошқарувчисининг 12.06.2014 йилдаги 28-сонли буюртмасига асосан жамият ҳисобидаги қуйидаги кўчмас мулк тоифасига кирмайдиган мулклари ҳар бири алоҳида ЛОТ тартибида такроран қўйилмоқда.

№	Номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Ҳар бирининг бошланғич баҳоси (сўм)
1	Ром Капитан Морган 0,75	бутылка	3	93 134
2	Виски Chivas Regal 0,75	бутылка	1	224 459
3	Виски Дювайс 0,75	бутылка	1	273 719
4	Havana Club 0,75	бутылка	1	51 895
5	Ред Лейбл 1,0	бутылка	2	95 450
6	Бакарди голд 1,0	бутылка	6	146 767
7	Баилейс	бутылка	1	170 421
8	Блак лейбол	бутылка	2	95 450
9	Гордонс 1,0	бутылка	1	161 267
10	Мартини 1,0	бутылка	1	70 667
11	Мартини 0,5	бутылка	3	47 417
12	Водка белуга	бутылка	3	147 590
13	Водка Grey Goose 1,0	бутылка	2	224 409
14	Водка Финландия 1,0	бутылка	2	113 756
15	Водка Столичная 0,5	бутылка	3	32 813
16	Кристал 0,5	бутылка	6	75 697
17	Водка Белый ключ 0,5	бутылка	2	56 673
18	Водка Русский лёд 0,5	бутылка	8	28 803
19	Водка Русский стандарт 0.5	бутылка	12	47 932
20	Сигареты Кент	пачка	60	2 500
21	Водка Путинка	бутылка	1	28 905
22	Водка Празднечная	бутылка	1	23 147
23	Водка Белая речка	бутылка	1	23 249
24	Водка Царская	бутылка	1	100 285
25	Виски Ballahlines	бутылка	2	170 421
26	Монитор LG 42 дюйма б/у	дона	1	267 750
27	Усилитель Behringer б/у	дона	1	164 921
28	Усилитель Yanaxa б/у	дона	1	334 862
29	Пулт микшера Pioneer б/у	дона	1	1 443 779
30	Плейстейшон X-Box б/у	дона	1	100 387
31	Колонки Старт, Yamaxa (2/2) б/у	дона	4	160 619
32	Колонки Technics б/у	дона	4	78 158
33	Колонки б/у	дона	1	47 684
34	Гитара (электрическая) б/у	дона	5	14 761
35	Барабан Redoctane б/у	дона	2	80 415
36	Nintendo Sport Fit б/у	дона	2	47 684

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш бўйича буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари 2014 йил 2 июл кунига қадар соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси, шунингдек, савдода қатнашувчи ишончли вакил учун белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS» МЧЖ, х/р: 20208000005028108001, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар минтақавий филиали МФО: 00452, СТИР: 302523082, ОКОНХ: 84500.

Аукцион савдосига қўйилган мулклар (тавсифи, и/ч йили, ҳолати ва русуми) билан тугатиш бошқарувчиси иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон:

Манзил: Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Тел: 8 371 233-21-18. E-mail: kmss.res@mail.ru. Гувоҳнома № 006263.

Хизматлар лицензияланган.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ФАРҒОНА» ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ ДУК ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объект номи:

«Фарғона вилояти Фарғона шаҳардаги «Фарғона» халқаро аэропорти вокзал олди майдонининг хавфсизлик зонасини ободонлаштириш».

Бошланғич нархи — **185 794 993 сўм ҚҚС сиз ва 222 953 992 сўм ҚҚС билан.**

Қурилиш муддати — **01.08.2014 й.**

Қурилиш-монтаж ишлари: «Фарғона» халқаро аэропорти ДУКнинг шахсий маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Буюртмачи: «Фарғона» халқаро аэропорти ДУК.

Манзил: Фарғона шаҳар, Аэропорт кўчаси, 16-уй. Тел:(8-373) 226-29-95, 226-29-96.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй. Телефон/факс: (373)244-55-32, 98-276-25-48.

Танлов ҳужжатларининг бир тўпламининг нархи – 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, *Фарғона шаҳар, Аэропорт кўчаси, 16-уй* манзилида ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

ЛОЙИҲА ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объект номи: **ЛОТ-1**

ЛОТ 1.1. «Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Фаробий кўчасини автомобил йўлининг 0-1 км. қисмини қайта қуриш»

Бошланғич нархи — **150 000 000 сўм ҚҚС билан; 125 000 000 сўм ҚҚС сиз.**

Муддати — **60 кун.**

ЛОТ 1.2. «Фарғона вилояти Фарғона шаҳар С.Темур кўчасини қайта қуриш»

Бошланғич нархи — **425 000 000 сўм ҚҚС билан; 354 166 667 сўм ҚҚС сиз.**

Муддати — **60 кун.**

Манзил: Фарғона шаҳар, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй. Тел.(373) 400-52-80.

Лойиҳалаш ишлари: Республика йўл фонди маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: лойиҳа-пешҳисоб ишларини бажариш бўйича тажрибаси борлиги, махсус лицензияга эга бўлиши, меҳнат ресурслари ва мутахассисларга эгалиги, шартнома тузишга лаёқатли ҳуқуқига эгалиги, ўхшаш объектларда иш тажрибасига эгалиги, ўтган даврларда бажарилган лойиҳа-пешҳисоб ишлари, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз лойиҳачиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй. Телефон/факс: (373)244-55-32.

Танлов ҳужжатларининг бир тўпламининг нархи – 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, **Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй** манзилида ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
Nashr ko'rsatkichi: 133
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: N.Umarova
Bosishga topshirish vaqti -22.30
Topshirildi - 22.40
E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 618 20543 nusxada bosildi 1 3 4 5